Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 23 (7163). ● 2 февраль, 1980 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи йил бошидан буён планга қўшимча равишда 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу тариқа тикувчилар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш фондига дастлабки ҳисса қўшдилар. Бу ерда ҳар тўрт ишчидан бири байрамни беш йиллик планни бажариш билан кутиб олишга қарор қилди. Уларнинг ҳаммаси илғор тажриба мактабида ўқиди. Корхонада ана шундай мактаб ишлаб турибди. Тикувчиларнинг ўқув программасида Алла Ким, Зинанда Ефремова ва бошқа чеварларнинг маҳорат сирларини ўрганиш кўзда тутилган. Бу пешқадамлар эркаклар кийим-кечагини тикиш технологиясини мукаммал ўзлаштириб, конвейерда ҳар қандай ишни нормативда кўзда тутилганидан тезроқ бажара оладилар.

Коллектив ленинча зарбдор вахтада туриб, ярим йиллик программани 22 апрелгача бажаришни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ОБЛАСТЬ ҚУРУЛТОЙИ

Кеча илғор чорвадорларнинг область қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултой қатнашчилари область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов докладини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Қурултойда область чорвадорларига қарата Мурожаат қабул қилинди.

Қурултойда нутқ сўзлаган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қишлоқ хўжалигини ҳамда унинг чорвачиликдек муҳим тармоғини ривожлантириш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларига тўхталиб ўтди. КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюроси, шахсан Ўртоқ Л. И. Брежнев ана шу масалалар билан доимо шуғулланмоқдалар, республика колхоз ва совхозларига катта амалий ёрдам бериб келдилар ва ҳамон ёрдам бермоқдалар. Вазифа ана шу ёрдамга, чорвачилик илғорларининг ташаббусига таяниб, ажратиб берилаётган маблағлардан самарали фойдаланишдан, янги комплексларни тезроқ қуриб ишга туширишдан, тармоқни зўр ғайрат билан ихтисослаштириш ва концентрациялашдан иборатдир.

Шуни ҳамиша ёдда тутиш керакки, чорвачиликни янада юксалтириш ва ривожлантириш жуда катта умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, совет кишиларининг гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғланган. Шак-шубҳа йўқки областнинг чорвадорлари, барча меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, беш йилликнинг якунловчи йилини, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги йилини зарбдор иш, ленинчасига ишлаш билан нишонлайдилар.

Қурултойда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари И. Г. Анисимкин, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалардан гоятда руҳланган мамлакатимиз меҳнаткашлари, — деди Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, — 1980 — ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилига юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида қадам қўйдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош совет халқлари оиласида партиянинг Ленинча йўлидан оғишмай бориб, коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Областимиз меҳнаткашлари ҳам ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилига яхши натижалар билан қадам қўйдилар. Саноат корхоналари коллективлари социалистик мажбуриятларини бажардилар. Ирик металлургия, химия ва бошқа саноат объектлари муддатидан илгари қурилиб ишга туширилди. Кўплаб турар жой, мактаб, касалхона ва болалар муассасалари фойдаланишга топширилди.

Катта жасорат ва қаҳрамонона меҳнат эвазига далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқонларнинг яратувчан меҳнатлари катта ютуқ билан якунланди. Область биринчи марта давлатга 471 минг тонна пахта топшириб, оширилган социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Етиштирилган жами ҳосилнинг 80 процентидан кўпроғи машиналар билан йиғиштириб олинди. Дон, каноп, мева ва сабзавот маҳсулотлари, пилла сотиш плани ва социалистик мажбуриятлари ҳам ортиғи билан адо этилди.

Эришилган натижалар шаҳар ва қишлоқ аҳлининг фидокорона меҳнатлари, партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, корхона ва ташкилот, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг аниқ мақсад сари йўналтирилган актив фаолиятлари самарасидир.

Илғор чорвадорларнинг бугунги қурилтойида, — давом этди ўртоқ М. М. Мусахонов, — муҳим аҳамиятга молик масала — гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотишни янада кўпайтириш вазифаларини муҳокама қилмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев совет халқи фаровонлигини ошириш ҳусусида гамхўрлик қилиб, партия, совет ва хўжалик органлари диққат эътиборини аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ қондиришга қаратмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг чорвачиликни ривожлантириш юзасидан қўйган вазифаларини бажара бориб, областда чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорвачилик маданиятини юксалтириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Область хўжаликларида мол тўёғи ва паррандалар сони сезиларли даражада кўпайди. Ҳар юз бош сигирдан 91 тадан бузоқ, 100 бош совликдан 114 тадан қўзи олинди. Гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 501 килограммга, қўйларнинг тирик вазни 50 килограммга етди. Ҳар бош сигирдан 3765 килограммдан сут соғиб олинди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 170 килограмм кўпдир. 1979 йилда гўшт етиштириш 21 процент, сут етиштириш 20 процент, тухум етиштириш 10 процент кўпайди.

Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида Оржоникидзе райони колхоз ва совхозларида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Бир йил давомида қорамоллар тўёғи 14 процент, сигирлар 7 процент, тухум тўғадиган товуқлар 10 процент кўпайди. Юз бош она чўчқага мўлжалланган хўжаликлараро чўчқачилик фермаси ташкил этилди. Район қисқа муддат ичида матлубот жамияти системасида йирик паррандачилик комплекси қуриш ташаббуси билан чиқди. Бу 1978 йилга нисбатан гўшт етиштириш ва давлатга сотишни 33 процент, тухумни 21 процент ва сутни 10 процент кўпайтириш имконини берди.

Область партия комитети пленумида тасдиқланган тадбирларни бажаришда Тошкент, Бўка ва Пискент районлари меҳнаткашлари ҳам юксак уюшқоқлик ва қатъийлик намуналарини кўрсатдилар. Улар 1978 йилга нисбатан гўшт ҳарид қилиш суръатини 22—41 процент, сут ҳарид қилиш суръатини 10—18 процент, тухум ҳарид қилиш суръатини 1,6—2,4 баравар кўпайтирдилар. Калинин районидаги Охунбобоев номли ва «Рассвет» совхозлари коллективлари, айниқса, бараканли меҳнат қилдилар. Бу хўжаликлар ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига гўшт топширмоқдалар.

Оржоникидзе районидаги «Бўстонлиқ» паррандачилик фабрикаси, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози, Ғалаба районидаги Волков номли совхоз, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми, Тошкент районидаги К. Маркс номли ва «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози ва бошқа кўплаб хўжаликлар ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар.

Чорва маҳсулдорлигини кескин ошириш ташаббуси билан чиққан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Анастасия Чўдная ва Мунаввар Исоқова, «Чиноз» наслчилик совхоз техникумидан Феруза Бекулова, Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Махсуда Кўлдошева, Паркент районидаги «Коммуна» совхозидан Ситора Сейтматов, «Чиноз»» районидаги Жамбул номли совхоздан Пўлат Мусиров, «Бўстонлиқ» паррандачилик фабрикасидан Ирина Якименко, Оржоникидзе районидаги Тошкент паррандачилик фабрикасидан Раиса Иминовалар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIV ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА 1980 ЙИЛДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шуни қайд этадики, Тошкент областининг чорвадорлари партия ташкилотининг раҳбарлигида КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасида талайгина ишларни қилмоқдалар.

Область партия комитети чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва уларни давлатга сотишни кескин кўпайтириш, тармоқнинг емхашак ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарурлигига доимо партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг эътиборини жалб этмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида тўқизинчи беш йилликдагига нисбатан областнинг колхозлари ва давлат хўжаликларида гўшт етиштириш 42 процент, сут етиштириш 44 процент, тухум етиштириш 83 процент ошди, чорва туёғи ва паррандалар анча кўпайди.

1979 йилда область меҳнаткашлари ўзларининг чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги тадбирларини муваффақиятли бажардилар, ҳар бир сигирдан 3320 килограмм сут соғиб олинди, кора молнинг гўштга топшириладиган ўртача вазни 410 килограммга етди, ҳар бир товуқдан 176 тадан тухум олинди. Ўтган йили 1978 йилга нисбатан қорамол ва паррандаларнинг 18 процент, сутнинг 8,4 процент, тухумнинг 22 процент ўсиши таъминланди.

Область чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорларига амал қилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1979—1980 йил қиш даврида чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорига жавобан гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминламоқ учун 1980 йилда чорвачиликни янада ривожлантиришга эришишга аҳд қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент области чорвадорларининг 1980 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш соҳасида ишлаб чиққан тадбирлари — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорларига амалий ишлар билан берилган муносиб жавоб бўлиб, уларни маъқуллаб қўллаб-қувватласа арзийди, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент областининг 1980 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш соҳасидаги тадбирларини маъқуллади, бу тадбирлар 1979 йилга нисбатан гўшт етиштиришни 25 процент, сут етиштиришни 20 процент, тухум етиштиришни 27 процент ошириш ҳамда давлатга гўшт ва тухум сотишни 20 процент, сут сотишни 15 процент кўпайтириш имконини беради.

Область партия комитетларига мазкур тадбирлар барча колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро тайёрлов корхоналари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари ва коллективларида кенг муҳокама қилишни уюштириш, ҳар бир хўжалик ва районда 1980 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотишни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш, ана шу тадбирларни областлар ва районларнинг илғор чорвадорлари, қурултойларида муҳокама этиш, барча ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишни белгиланган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишига йўналтириш таклиф қилинди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшитириш Давлат комитетига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтиришга доир мазкур қарор ва тадбирлар қандай бажарилаётганлигини кенг ёритиш топширилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIV ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА 1980 ЙИЛДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ СОҲАСИДАГИ

ТАДБИРЛАРИ

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги пленумлари қарорларини бажара бориб пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида кўлгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Чорвачиликни жадал ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

1979 йилда область хўжаликларида 1978 йилга нисбатан сигирларнинг 5 процент, чўчқаларнинг 7 процент, парранданинг 8 процент ўсиши таъминланди. Давлат йўли билан гўшт харид қилиш 18 процент, сут харид қилиш 8,4 процент, тухум харид қилиш 22 процент кўпайди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган ўртача сут миқдори 3320 килограммга, қорамолнинг гўштга топшириладиган ўртача вазни 410 килограммга етказилди.

Область партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва давлат хўжаликлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга мувофиқ, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1979— 1980 йил қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорига жавобан КПСС XXVI съезди ўтказиладиган йилдан аввалги 1980 йилда резервлардан, фан ютуқлари ва илғор тажрибадан энг кўп фойдаланиш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш йўли билан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топшириш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарилишини таъминламоқ учун чорвачиликни янада жадал ривожлантиришга эришишга аҳд қилдилар.

Шу мақсада қўйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

1. Мавжуд фермаларнинг янада кенгайтирилиши, чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикаларининг лойиҳадаги қуввати тезроқ ўзлаштирилиши, саноат, қурилиш, транспорт, матлубот кооперацияси ва давлат савдоси корхоналари ҳамда ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш таъминланади. Колхозлар ва давлат хўжаликларида қора моллар туёғи 184 минг бошга, шу жумладан сигирлар 62 минг бошга, чўчқалар 152 мингтага, қўй ва эчкилар 460 мингтага, паррандалар 5,3 миллионтага, шу жумладан товуқлар 2,1 миллионтага етказилди.

2. Наслчилик ишини такомиллаштириш, чорва ва паррандаларни парвариш қилишнинг илғор методларини жорий этиш, туймнли ем-хашак билан боқишни ташкил этиш, комплекслар ва фермаларга зооветеринария хизматини яхшилаш, чорва моллари ўстириш ва сўқимга боқишни интенсивлаш йўли билан чорва ва парранда маҳсулдорлигини ўстиришга эришилади, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган ўртача сут миқдори 3350 килограммга, товуқлардан олинадиган тухум 190 тага, ҳар бир қорамолнинг гўштга топшириладиган ўртача вазни 415 килограммга, чўчқаларнинг ўртача вазни 110 килограммга, қўй ва эчкиларнинг ўртача вазни 50 килограммга етказилди.

3. Чорва туёғи ва паррандаларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш асосида гўшт етиштириш 52,3 минг тоннага етказилди ёки 1979 йилга нисбатан 25 процент кўпайтирилади, сут етиштириш 186 минг тоннага етказилади ёки 20 процент оширилади, тухум етиштириш 366 миллион донага етказилади ёки 27 процент оширилади.

4. Давлатга гўшт, сут ва тухум бир маромда сотилиши таъминланади. Давлат харид ресурсларини тўлдирмоқ учун аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларининг имкониятларидан кенг фойдаланилади. 1979 йилга нисбатан чорва ва парранда харид қилиш 20 процент оширилади ва улар 44,7 минг тоннага етказилди, сут харид қилиш 15 процент оширилиб, 158 минг тоннага, тухум харид қилиш 20 процент кўпайтирилиб, 331 миллион донага етказилади.

5. Наслчилик иши ва сунъий урчитиш методларини такомиллаштириш асосида чорвани урчитишни кўпайтириш кўрсаткичларини ошириш таъминланади, ҳар 100 бош сигирдан камида 87 та бузоқ, ҳар 100 бош совликдан камида 106 та қўзи, ҳар 100 бош чўчқадан 2200 та чўчқа боласи олинади.

6. Ғунажинлар етиштирувчи ихтисослаштирилган хўжаликларнинг иши яхшиланади. Бундай хўжаликларнинг қуввати 17 минг бошга етказилади ва 1980 йилда область колхоз ва совхозларига камида 6000 бош маҳсулдор ғунажин реализация қилинади. Шу мақсадда Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Калинин, Чиноз ва Янгийўл районларидаги мавжуд бузоқчилик хўжаликларининг ишлаб чиқариш қувватлари реконструкция қилинади ва кенгайтирилади. Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ ва Ғалаба районларида 1980 йилнинг учинчи кварталида янги хўжаликлараро бузоқчилик комплекслари қуриб битказилади ва ишга туширилади.

Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли, Коммунистик районидаги «Правда», Пискент районидаги Свердлов номли колхозларда сутчилик комплекслари, Ўртаовул бўрдоқичилик пункти, Октябрь 60 йиллиги номли эотдор ўрдакчилик репродуктори қурилиши учинчи кварталда ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилади. 1980 йилнинг биринчи кварталида «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплексида 3600 бош молга мўлжалланган бостирмалар қуриб битказилади, бу корхона бузоқларни сўқимга боқиш технологиясига ўтказилиб, ҳар бир молнинг ўртача тирик вазни 450 килограммга етказилиб, ундан ҳам оширилади. «Ғаллақудуқ» саноат комплексида ургочи чўчқалар учун ёзги лагерь қурилади, «Ўртасарой» паррандачилик фабрикасида 13 та паррандахона реконструкция қилиб бўлинади.

7. «Ғаллақудуқ», «Сергели» чўчқачилик комплексининг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида «Новомихайловский» совхозида 1500 бош, «Оққўрғон» совхозида 200 бош, «Красний водопад» экспериментал базасида 600 бош, «1-Далварзин» совхозида 150 бош, «КПСС XXV съезди» совхозида 150 бош ва Бекобод районидаги Дзержинский номли совхозда 250 бош зотли ургочи чўчқа етиштириб, ана шу комплексларга реализация қилинади.

8. Колхозлар, совхозларда ёрдамчи корхоналар ва якка хўжаликларда паррандачилик ва чўчқачиликни янада ривожлантириш таъминланади. Шу йил хўжаликларда 35 та паррандачилик фермаси, 16 та чўчқачилик фермаси, шу жумладан хўжаликлараро асосида учта ферма ташкил этилади, 484 минг паррандага мўлжалланган 37 та паррандахона қурилади. Колхозлар, совхозлар ва паррандачилик фабрикаларида 10,3 миллионта товуқ, ўрдак ва курка жўжалари парвариш қилинади.

24 хўжаликдаги 9,6 минг бош сигирга мўлжалланган мавжуд сутчилик фермалари реконструкция қилиниб, кенгайтирилади.

9. Ҳар бир хўжаликда камида 40 процент энг яхши сигирлар танлаб олиниши ташкил қилинади. Сигирлар подасини кенгайтириш учун энг яхши ғунажинлар ремонт группасига ажратилади, бунда ғунажинларнинг камида 27 проценти сигир қилинади.

1980 йил 1 июлгача чорва зоти ва турита доир селекция наслчилик ишининг перспектив плани ишлаб чиқилади. Ҳамма хўжаликларда зоотехника ҳисоб-китоби йўлга қўйилади, сут етиштиришнинг поток—цех системаси жорий этилади. Етиштирилаётган сут сифати устидан контроллик кўчайтирилади, фермаларнинг ҳаммасида сут лабораториялари жиҳозланади, улар ювувчи ва дезинфекция қилувчи зарур воситалар билан таъминланади.

10. Ветеринария-санитария ҳолатини яхшилаш асосида чорва туёғи кўп асраб олинади, ветеринария профилактика тадбирлари ўз вақтида ўтказилади, барча чорвачилик фермаларини тўсиб қўйиш ниҳоясига етказилади, бу фермалар санитария воситалари ва дезинфекция тўсиқлари билан қушхона ва утилизация майдончалари, молларни чўмилтирадиган ванналар ва гўнг асралардиган жойлар билан таъминланади.

11. Ем-хашак базасининг янада мустаҳкамланишига эришилади. Камида 900 минг тонна ем-хашак, шу жумладан 300 минг тонна сенаж тайёрланади, 750 минг тонна силос бостирилади, 100 минг тонна хашаки илдиз мева, 30 минг тонна ўт талқони тайёрланади. Шу мақсадда:

— барча хўжаликларда беда ўрими графиклари ишлаб чиқилиб, унга қатъий риоя этилади, февраль—март ойларида яхоб суви берилади, бороналаш ўтказилиб, экинлар минерал ўғитлар билан озиқлантирилади, қишдоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлов берилади, беда-лар ҳар бир ўрими орасида камида икки марта суғорилади, сийраклашиб қолган бедапоялар ремонт қилиниб қўшимча экилади, ҳар гектар ердан 180 центнер беда пичани олинади;

— силос учун маккажўхори ва хашаки илдиз меваларнинг эрта экилиши таъминланади, шу мақсадда серҳосил навлардан кенг фойдаланилади, гектар бошига камида 400 центнер маккажўхори кўкпояси ва 500 центнер хашаки лавлаги олинади;

— озуқабоп экинларни такрорий, аралаш ва оралатиб экиш кенг қўлланилади. Беда 9,9 минг гектар ерга аралаш экилади, маккажўхори лавлаги билан 3,6 минг гектар ерга, рапс 7 минг гектар ерга оралатиб экилади;

— ҳамма хўжаликларда ем-хашак тайёрловчи махсус бригадалар ташкил этилади, уларнинг унумли ишлаши таъминланади, ем-хашак тайёрлаш ва қайта ишлашда илғор технология кенг, жорий этилади, ҳамма жойда шоли похоли ва ғўзапояни циловердин препаратини қўлланган ҳолда силос қилиш ташкил қилинади;

— озуқа цехлари, ўт талқони тайёрловчи агрегатларнинг икки сменада тўхтовсиз ишлаши таъминланади. 1980 йилда қўшимча 25 та типовой озуқа цехи, ўт талқони ва донадор озуқа ишлаб чиқарувчи 32 агрегат, хлорелла суспензияси етиштирувчи 16 установка, силос ва сенаж бостириш учун юзи қопланган 188 та траншея қурилади, ем-хашакнинг, чорвачилик маҳсулотларининг ҳисоб-китоби ажратиб берилиши ва сарфланиши аниқлигини таъминлаш учун 1980 йил мобайнида барча чорвачилик фермаларида автоторозилар ўрнатилади;

— ем-хашак тайёрлаш, айниқса сенаж, силос бостириш ва витаминли ўт талқони тайёрлаш технологиясига риоя этилиши устидан контроллик кучайтирилади. Ҳамма турдаги ем-хашакни анализ қилиш учун уларнинг намуналари ўз вақтида танлаб олинади. Лабораторияларнинг хулосаларига мувофиқ тайёрланаётган пичан, сенаж ва силоснинг сифатини яхшилаш тадбирлари кўрилади.

12. Чорвачиликда сермеҳнат жараёнларни механизациялаш даражасини янада ошириш таъминланади, фермалар ва комплекслардаги мавжуд машиналардан ҳамда технология асбоб-ускуналаридан фойдаланиш яхшиланади. 1980 йилда фермаларга сув чиқаришни механизациялаш 100 процентга, ем-хашак тақсимлашни механизациялаш 65 процентга, молхоналарни тозалашни механизациялаш 75 процентга, сигирларни соғишни механизациялаш 95 процентга етказилади.

1980 йил 1 июлгача «Ташоблсельхозтехника» корхоналари областдаги барча чорвачилик фермаларини технакавий хизмат кўрсатиш учун қабул қилади.

13. Чорвачиликни юритиш маданиятини ошириш, машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланишни яхшилаш, маҳсулот ва ем-хашак етиштириш технологиясини такомиллаштириш мақсадида саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг колхозлар, совхозлар ва чорвачилик комплексларига оталиқ ёрдамини янада кенгайтириш кўзда тутилди.

Комплекслар ва фермалар учун кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида катта ишларни ўтказиш мўлжалланмоқда.

Пойтахт области фермалари ва далаларининг меҳнаткашлари ишлаб чиқилган тадбирларни шараф билан бажариш, беш йиллик-нинг якунловчи йилини юксак меҳнат муваффақиятлари билан нишонлаш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

(Боши 1-бетда).

1979 йилда область хўжаликларида жами 139 сут соғувчи ва операторлар ўз қарамоқларидаги сигирлардан 100—200 тонна ва ундан ҳам ошириб сут соғиб олдилар. Улар кўплаб ёшларнинг устозларидир.

Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоздан Тожибек Жунусов ва Маматбек Адаев, Пскент районидаги Энгельс номли совхоздан Риза Муждабоев, Коммунистик районидаги «Правда» колхозидан Ниёзбой Толибоев, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Жумабек Турганбеков, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоздан Қўнисбой Абдуалиев ва бошқа кўплаб чўпонлар ўтган йили ҳар бош совлиқдан 125—140 бошдан бузоқ олишди, юксак натижаларга эришдилар.

Белгиланган тадбирларни бажаришда юқори кўрсаткичларга эришган колхоз-совхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари тутган қатъий йўл, илғор чорвадорларнинг жасоратли меҳнатлари мақтов ва олқишларга лойиқдир. Улар барча фермаларнинг ходимларини жасоратли меҳнатга чорлаб 1980 йил топшириқларини муваффақиятли бажаришда қишлоқ меҳнаткашларига ҳақиқий намуна бўлмоқдалар.

Ўрток Мусахонов область партия комитети, область ижроия комитети ва барча қурилтой қатнашчилари номидан область чорвачилиги ютуғига қўшган катта хизматлари учун барча илғор чорвадорларга миннатдорчилик изҳор этди.

Бўстонлиқ, Чиноз, Оққўрғон районлари, шунингдек, бошқа районларнинг қатор колхоз ва совхозлари тадбирларни бажаришда анча ортда қолдилар. Бир мисол. Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида (раиси Деҳқон Исломов) урғочи моллардан фойдаланиш мутлақо қониқарсиз. Ҳар юз бош сигир ва гунажиндан 66 тадан ёки 1978 йилдагидан 2 бош кам бузоқ олинди. Чўчқа боласи олиш плани эса 84 процент бажарилди. Гўшт харид қилиш ҳажми 97 процент, сут харид қилиш 87 процентни ташкил этди.

Бундай нуқсонларга йўл қўйилишининг асосий сабаблари район партия, совет органлари, колхоз-совхозларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ўзлари белгилаб берган тадбирларнинг ҳар бир хўжалик, ферма ва бригадада сўзсиз бажарилиши устидан кундалик назоратнинг сусайтириб юборилганлигидир. Шунингдек, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини ошириш, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини таъминлаш ишлари яхши уюштирилмаган.

Партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, барча қишлоқ меҳнаткашларининг куч-ғайратлари ана шу нуқсонларни тезроқ бартараф этишга, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV Пленуми талаблари асосида чорвачиликни янада ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Биз КПСС XXVI съезди ҳамда ўн биринчи беш йилликкинг янги марралари бўсагасида турибмиз. Бу марраларни эгаллаш биздан чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтиришни талаб этади. Бундай имкониятлар эса бизда йўқ эмас.

Область қишлоқ хўжалик органлари, районлар, колхоз ва совхозлар 1980 йил учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар. Уларда 1979 йилга нисбатан гўшт етиштиришни 25 процент, сут етиштиришни 20 процент, тухум етиштиришни 27 процент кўпайтириш назарда тутилган.

1980 йилда колхоз ва давлат хўжаликларида гўшт етиштириш ҳажмини 52,3 минг тоннага етказиб, 1979 йилга нисбатан 10,5 минг тонна кўпайтириш белгиланган.

Олдинда турган вазифаларнинг бажарилиши, энг аввало, гўшт қорамолчилиги резервларидан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Бунинг учун ҳар юз бош сигир ва гунажиндан камида 87 бошдан бузоқ олишга эришиш лозим. Бу реал вазифадир.

Ўтган йили областдаги колхоз ва совхозларнинг 33 процента юз бош сигир ва гунажиндан ўртача 90—95 бошдан бузоқ олдилар. Калинин райони хўжаликларида 91 бош, Бекобод ва Галаба районларида 83 бош, Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ районларида 81—82 бош бузоқ олинди.

Аммо, Оққўрғон ва Янгийўл районларида бу кўрсаткич 62—76 бошни ташкил этди. Айрим колхоз ва совхозларнинг мутахассислари бу ишда тўла хўжасизликка йўл қўйиб қўядилар. Бундай аҳвол сабабларини чуқур ўрганиб, тегишли хулоса чиқариш ва нуқсонларни тезда бартараф этиш ҳар бир хўжаликда наслчилик ишларини тўғри йўлга солиш зарур.

Тадбирларда молларни ўстиришни яхшилаш ва бўрдоқига тез боқиб семиртириш ҳисобига гўшт етиштиришни кўпайтириш назарда тутилган. Гўштга топириладиган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазнини область бўйича 415 килограммга етказиш лозим.

Бу иш намунали йўлга қўйилган илғор хўжаликларда чорва молларини семиртиришда яхши кўрсаткичларга эришилаяпти. 1979 йилда Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида бўрдоқига қўйилган 568 бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 543 килограммга етказилди. Калинин районидаги Оржоникидзе номли ва «Партия XX съезди» колхозларида бу кўрсаткич 520—550 килограммни, Оржоникидзе районидаги «Красный водопад» экспериментал базасида 518 килограммни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда кўпгина хўжаликларда қорамолни ўстиришнинг илғор методларини жорий этишга етарлича эътибор берилмаяпти. Натижада, уларни боқишнинг технологик муддатлари чўзилиб кетмоқда. Бўрдоқига қўйилган моллар планда белгиланган даражага етказиб семиртирилмаяпти, улар енгил вазнда давлатга топширилмоқда.

Бу колхоз ва совхозлар раҳбарларига иш шунчалик ҳам ёмон ташкил этиладими, деган саволни кўндаланг қўйиш ўринлидир.

Қолоқ хўжаликлар бўрдоқига боқишни яхши ташкил этиб, қисқа муддат ичида қорамолларнинг тирик вазнини 500—550 килограммга етказаётган илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибасидан самарали фойдаланишлари лозим. Бундай илғор хўжаликлар областда кўплаб топилади.

Область қишлоқ хўжалик органлари, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари барча хўжаликларда қорамолни интенсив семиртириш бўйича ихтисослаштирилган бригадалар ташкил этишлари, бу бригадаларнинг моддий манфаатдорлигини оширишлари керак. Шу билан бир қаторда раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг чорва молларини ҳисобга олиб, ориқ молларни хўжалик ички эҳтиёжлари учун сўйиб юборишлигига йўл қўймасликлари талаб қилинади.

Область колхозлараро бўрдоқичилик базаси ва «Облзаготживпром» трести бўрдоқичилик хўжаликлари қувватларидан янада тўлароқ фойдаланиш зарур. Ўтган йили уларнинг хўжаликларида 12 минг бош қорамол боқилди. Ваҳоланки, бу хўжаликларда йилига 16 минг бош қорамолни боқиш имкониятлари мавжуддир. «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхоз-саноат комплекси иши самарадорлигини ошириш лозим. 1980 йилнинг биринчи кварталидаёқ бу ерда қорамолларни гўштга топиришни бошлаш керак. Комплексдаги қорамоллар сони 15 минг бошга, ҳар бирининг тирик вазни 450 килограммга етказилиши керак.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг катта резерви самарали тармоқ — чўчқачиликдадир. 1979 йилда бу йўналишда катта иш қилинди. Колхоз ва совхозлардаги чўчқалар сони 7 процентга кўпайди. 33 та янги чўчқачилик фермалари ташкил этилди. Чўчқа гўшти етиштириш 3,2 минг тоннага, ёки 1,6 бараварга кўпайди. Давлатга гўшт учун топширилган ҳар бир чўчқанинг тирик вазни 103 килограммни ташкил этиб, 1978 йилга нисбатан 6 килограммга кўпайди.

Айни пайтда чўчқачиликда ҳали фойдаланилмаётган катта имкониятлар бор. Чўчқачиликни ривожлантиришда Оҳангарон районидаги «Галлақудуқ» ва Галаба районидаги «Сергели» саноат комплекслари ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим. Бу йил мазкур хўжаликларда 12,8 минг тонна чўчқа гўшти етиштирилиши керак. Бу белгиланган тадбирларга кўра областда етиштирилиши лозим бўлган умумий гўшт ҳажмининг 25 процентини ташкил этади. Бироқ, комплекслардаги хўжалик фаолияти ва ташкилотчилик ишлари талабга тўла жавоб бермайди. Комплексларда технология интизоми роят пастдир. Кўпгина чўчқа болаларининг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Чўчқачилик комплекслари ишини яхшилашда «Узглавзаготживпром» муҳим тадбирларни амалга ошириши керак. Бу комплексларга кундалик раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қурилишини тезда тугаллашда, репродуктор хўжаликлари ташкил этишни тезлатишда, зарур миқдорда чўчқа болалари билан таъминлашда, техника ва фошқа моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжларни қондиришда доимий ёрдам бериш зарур. Лекин бу масалалар жуда секинлик билан кўриб чиқиляпти ва уларнинг кўпчилиги ҳалигача ҳал этилмаётир.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари чўчқачиликни саноат асосида ривожлантириш билан бир қаторда барча хўжаликларда чўчқалар бош сонини кўпайтириш юзасидан тинимсиз иш олиб боришлари керак. Бу йил колхоз ва совхозларда қўшимча равишда 2,5 минг бош чўчқага мўлжалланган камида 16 та янги чўчқачилик фермаси ташкил этилиши зарур.

1980 йил учун белгиланган тадбирларга мувофиқ қўйчиликни янада ривожлантиришга эришиш талаб қилинади. Қўй ва эчкилар сони 460 мингтага етказилиши, улар 1979 йилдагига нисбатан 25 мингтага кўпайтирилиши керак. 5,4 минг тонна қўй гўшти етиштирилиши лозим.

Бу тармоқда муайян иқтисодий ишлар қилинди. Ҳам гўшт, ҳам сифатли жун берадиган зотли қўйларни кўпайтириш ҳисобига отарларнинг сифат состави яхшиланди. Совлиқларни эрта қўзилатиш 1975 йилдаги 12 процентдан 1979 йилда 50 процентга кўпайтирилди. Изен ўти экилиши туфайли яйловларнинг ҳосилдорлиги ортиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси қўйлар бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш имконини берди. 1979 йилда, умуман, область бўйича ҳар 100 совлиқдан 106 тадан қўзи олинди.

Шу билан биргаликда қатор район ва хўжаликларда қўйчиликни ривожлантириш учун катта резервлар мавжуд. Жумладан, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районларида ҳар 100 совлиқдан 98—99 тадан қўзи олинди. Бу 1978 йилдаги кўрсаткичдан камдир. Оҳангарон ва Коммунистик райони хўжаликлари давлатга гўшт учун топширган ҳар бир қўйнинг тирик вазни 41—43 килограммни ташкил этди. Ваҳоланки, Калинин ва Чиноз районларида бу кўрсаткич 49—50 килограммга етказилган.

Областда паррандачиликни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилган. Вазифа эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва паррандачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришни таъминлашдан иборатдир. Бу тармоқда ҳам резервлар кўп.

Тухум ва парҳез гўшти етиштиришни кўпайтиришда саноат асосида иш олиб бораётган ихтисослаштирилган хўжаликлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Умуман олганда 1979 йилда «Узптицепром» корхоналари дуруст натижаларга эришдилар. Тухум етиштириш сезиларли ўсди, давлатга тухум сотиш 103 процент, гўшт сотиш 111 процент қилиб бажарилди. Ўз корхоналарига раҳбарликни сезиларли даражада яхшилаб бораётган «Узптицепром» раҳбари Ўрток И. И. Худойқуловга бунинг учун катта раҳмат.

Паррандачилик фабрикалари олдида 1980 йилда масъулиятли вазифалар турибди. Уларда тухум етиштириш 69 миллион донага кўпайтирилиши керак. Бу область бўйича тухум етиштиришни кўпайтириш умумий ҳажмининг 88 процентини ташкил этади.

Аммо, «Узптицепром»нинг барча хўжаликлари ҳам ўз олдига қўйилган вазифаларнинг уддасидан чиқаяптилар деб бўлмайди. Калинин районидаги «Ўзбекистон» ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Ўртасарой» паррандачилик фабрикалари 1979 йилда давлатга тухум топширган планларини бажармадилар.

1979 йилда сут етиштириш 10 процентга ёки 12,8 минг тоннага кўпайди. 1980 йилда янада юксак марралар эгалланиши керак. Сут етиштиришни кўпайтириш 30,9 минг тоннага, ёки 1979 йилга нисбатан 20 процентга оширилиши зарур.

Бу вазифани ҳал этиш учун сигирлар бош сонини кўпайтириш, сут чорвачилигини янада юқори даражага кўтариш, уни интенсификациялаш учун мавжуд катта имкониятларни тезроқ ишга солиш талаб қилинади. Бу йўналишда катта иш олиб борилмоқда. Фақат 1979 йилнинг ўзида, умуман, область бўйича сигирлар бош сони 6 процентга кўпайди. Айни пайтда Оққўрғон, Бўстонлиқ, Коммунистик, Ўрта Чирчиқ районларида сигирлар бош сонини кўпайтириш жуда секинлик билан ўсяпти. Ўтган йили бу кўрсаткич атиги 1—3 процентни ташкил этди.

Ўрғочи моллар бош сонини кўпайтириш суръати пастлигининг сабабларидан бири — насл олиш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлигидадир.

Сут етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервларидан бири мавжуд фермаларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳамда янгиларини ташкил қилишдан иборатдир. Аммо, бу иш етарли даражада олиб борилмаяпти.

Сут етиштиришни кўпайтиришда сигирлар маҳсулдорлигини ошириш катта аҳамият касб этади. Умуман, область бўйича бу кўрсаткич ўсиб бораяпти. Лекин, қатор хўжаликларда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори жуда кам. Шу туфайли уларда сут етиштиришни муттасил кўпайтиришга эришилмаяпти.

Қолоқ хўжаликлар раҳбарлари сигирлар маҳсулдорлигини кескин кўпайтириш чораларини кўришлари керак. Бизда бу соҳада ўрганган ва тажрибаларидан фойдаланган бўладиган хўжаликлар кўп.

Чорвачиликни янада юксалтириш кўп жиҳатдан озуқа базасини ривожлантиришга боғлиқдир. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари озуқа етиштиришни интенсификациялаш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Кейинги йилларда озуқа экинлари майдони кенгайди, уларнинг ҳосилдорлиги ортди. Бу 1979 йилда дағал хашак жамғаришни 1975 йилга нисбатан 200 минг тоннадан кўпроқ, ёки 36 процентга, силосни 150 минг тоннага, ёки 35 процентга кўпайтириш имконини берди. Озуқанинг умумий балансида юқори тўйимли, оқсил ва витаминларга бой бўлган беда пичани, витаминли ўт уни, маккажўхори дони сингари емташаклар салмоғи кўпайди.

Лекин айрим районлар, колхоз ва совхозлар озуқа етиштириш масалаларига зарур даражада эътибор бермаяптилар. Уларда озуқа майдонларининг камайишига йўл қўйилмоқда, беда, маккажўхори ва озуқа лавлагидан кам ҳосил олинмоқда. Шу туфайли суғориладиган майдонларда имконият даражасида озуқа етиштирилмаяпти.

Бу районларда озуқа етиштириш кескин кўпайтирилиши керак. Умуман, бизнинг энг яқин келгусидаги вазифамиз ҳар гектар суғориладиган майдондан камида 9—10 тонна озуқа бирлиги олишдан иборатдир.

Белгиланган тадбирларга мувофиқ ҳар бир хўжаликда мустаҳкам озуқа базаси яратиш учун барча чоралар кўрилиши, 1980 йилда камида 900 минг тонна дағал хашак, 750 минг тонна силос, 30 минг тонна ўт уни тайёрланиши керак.

Чорвачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари жиддий эътиборга моликдир. Ҳозирги пайтда кўпгина ферма ва комплексларда ўрнатилган жиҳоз ва машиналардан ёмон фойдаланилмоқда. Чорва молларини парвариш қилиш ва боқишда кўпгина ишлар қўл кучи ёрдамида бажарилмоқда. Тадбирларга кўра 1980 йилда фермаларда чорва молларини суғоришни механизациялаш даражасини 100 процентга, озуқа тарқатишни 65 процентга, биноларни тозалашни 70 процентга, сигирларни соғишни 95 процентга етказиш мўлжалланган.

Бу масалани ҳал этишда «Ташоблэлеҳозтехника» корхоналари ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. Ўзлари фермаларга техника хизмати кўрсатиш даражасини юқори поғонага кўтариб, шу йилнинг биринчи яримидаёқ барча хўжаликлардаги фермаларга техника хизмати кўрсатишни йўлга қўйишлари лозим.

1980 йилда колхоз ва совхозларда 2,8 минг сигирга мўлжалланган сут комплекслари, 2 та бузоқ комплекси фойдаланишга топширилиши, 6 миллион паррандага мўлжалланган бройлер паррандачилик фабрикаси қурилиши бошланиши, мавжуд фермалар, паррандачилик фабрикаларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш соҳасида катта ҳажмдаги иш бажарилиши лозим. Шунингдек, аввалги йиллари қурилиши бошланган чорвачилик объектлари ҳам қуриб битказилиши даркор.

Шу муносабат билан тегишли лойиҳа институтлари, пудратчи қурилиш ташкилотлари ва буюртмачилар олдида катта вазифалар турибди. Улар чорвачилик объектлари қурилишини тубдан яхшилашлари, аввал йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, бу объектларни белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлашлари зарур. Шаҳар ва район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари бу масалаларни қатъий назорат остига олишлари керак.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ўстириш бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилишига саноат, транспорт ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари биринчи навбатда мавжуд ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга эътибор беришлари керак. Шунингдек, корхоналар маблағларини кооперациялаш йўли билан янги ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишни кенг авж олдириб юборишлари лозим. Оқ-ювқат қолдиқларини тўплаш ва қайта ишлаш йўли билан улардан чорва моллари озуқаси сифатида фойдаланишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Чорвачилик маҳсулотлари ресурсларини тўлдириш учун область аҳолиси шахсий хўжаликларида қорамол ва паррандани парвариш қилишни йўлга қўйиш катта резервларидан ҳам фойдаланиш даркор. Район ижроия комитетлари, область матлубот союзи «Узглавзаготживпром» область трести, «Ташмолоко» ишлаб чиқариш бирлашмаси, хўжаликлар раҳбарлари колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ аҳолисига шахсий ёрдамчи хўжаликларни юритишда ёрдам кўрсатишлари лозим. Шахсий хўжаликларга ем-хашак, бузоқ ва парранда ажратиб беришлари, бу хўжаликларнинг эҳтиёждан ортиқ чорвачилик маҳсулотларини шартнома билан тайёрлаш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишлари зарур.

Ҳозир чорвадорлар учун энг муҳим палла — чорва қишлови кетаяпти. Қишловни уюшқоқлик билан ўтказиб, чорва молларининг тўла сақланиши таъминланиши зарур. Бу ҳар бир раҳбар, мутахассис, ҳар бир қишлоқ меҳнаткашининг масъулиятли вазифасидир.

Чорвачиликни ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларни бажариш ташкилотчилик иши даражасини юксалтиришни талаб қилади. Тадбирларда тасдиқланган топшириқларни ҳар бир коллективга, ҳар бир коммунистга, ҳар бир ферма ходимига етказиш биринчи галдаги вазифадир. Колхоз ва совхозлар, районлар, область ижроия комитетининг тегишли бўлим ва бошқармалари тадбирлардаги ҳар бир модданинг қандай ва қачон бажарилишини аниқ билишлари керак. Бу мақсадда тадбирларнинг бажарилишини контроль қилиш бўйича конкрет план ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши зарур.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбар кадрларда топширилган иш участкаси учун масъулият ҳиссини тарбиялаб, кўпроқ иш билармон бўлишларига, эришилган натижаларга танқидий нуқтаи назардан қарашларига ўргатишлари лозим. Барча кадрлар, шу жумладан хўжаликлар, районлар ҳамда область ташкилотлари раҳбарлари мунтазам равишда ўқишлари, билимларни эгаллашлари, чорвачиликни юргизишнинг илғор тажрибасини қўллашлари керак.

Ферма, комплекслар мутахассислари ва раҳбарлари, чорвачиликнинг оммавий касб эгаларини тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш ишини яхшилаш талаб қилинади. Бу кадрлар тўғрисида доимий гамхўрлик қилиш, уларга юксак умумий меҳнат учун зарур маданий-маиший шароитларни яратиб бериш лозим.

Бошланғич партия ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг чорвачилик ходимлари ўртасида Бутииттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарори асосида коллективлар ўртасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлари янада юқори поғонага кўтаришлари керак.

Ўрток Мусахонов ўз докладининг охирида пойтахт область меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги ва КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирадилар, чорвачиликни ривожлантиришда янги марраларни эгаллайдилар, ўнинчи беш йиллликнинг барча топшириқларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлайдилар, деб ишонч билдирди.

* * *

Докладдан сўнг музокаралар бошланди. Сўз Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари **Ю. Толиповга** берилади.

— Ўтган йили районимизда давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш планлари ошириб бажарилди, — деди у. — Биз чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга маҳсулдорликни ошириш ҳисобига эришяпмиз. 1979 йилда район бўйича ҳар бир сигирдан 3751 килограммдан сут соғиб олинди. Бу 1978 йилги кўрсаткичдан 200 килограмм ортиқдир. Давлатга гўшт учун топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 440 килограммни ташкил этди.

Районимизда жамоат чорвачилигини ривожлантириш учун муҳим тадбирлар амалга оширилаётир. Ўтган йили С. Раҳимов номли колхозда 500—600 бош насли бузоқларни парвариш қилишга мўлжалланган комплекс ишга туширилди. Район матлубот жамияти йўли билан 100 мингта паррандa боқиладиган паррандачилик фермаси қуриб битказилди.

Чорвачиликни юксалтиришда К. Маркс номли, Навоий номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу хўжаликларда чорва маҳсулдорлиги ортиб бормоқда, гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга топириш кўпайяпти. Шу билан биргаликда чорвачиликни ривожлантиришда ҳали фойдаланилмаётган резервлар кўп. Айрим колхозларда подадаги сигирлар салмоғи атиги 25—30 процентни ташкил этади. Бу кўрсаткични 40—45 процентга етказиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари асосида ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан янги улкан режаларни белгилаб олдик. Чорвадорларимиз бу йилги юксак марраларни шараф билан эгаллаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхознинг сут соғувчиси **Ғ. Екубова** хўжаликда чорвачиликни юксалтириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Соғувчининг ўзи ўтган йили 20 сигирнинг ҳар биридан 6050 килограммдан сут соғиб олиб, социалистик мажбуриятини ошириб бажарди. У бу йил сигирлари маҳсулдорлигини 6200 килограммга етказиш учун курашмоқда.

— Районимиз чорвадорлари ўнинчи беш йиллик план топшириқларини тўрт йилдаёқ бажариб қўйдилар, — деди Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Т. Исломов.** — Улар ҳозирнинг ўзида ўн биринчи беш йиллик ҳисобига давлатга 841 тонна гўшт, 1124 тонна сут ва 3 миллион 243 минг дона тухум сотдилар. Районда ўтган йилнинг ўзида гўшт етиштириш— 21, сут— 10, тухум— 73 процентга ўсди.

Бўкаликлар В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўнинчи беш йиллликнинг якунловчи йилида 80 минг тонна пахта етиштиришга қарор қилдилар. Жамоат чорвачилиги янада юксалади. Бу йил эл дастурхонига 1400 тонна гўшт, 10179 тонна сут, 2 миллион 467 минг дона тухум тортиқ қилинади. Бу юксак мажбуриятларни шараф билан бажариш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Январь ойининг ўзида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпайди.

Калинин районидаги «Рассвет» совхозининг қорамолларни бўрдоқига боқиш бўйича оператори **Р. В. Коленова** ўтган йили 331 қорамолни бўрдоқига боқиб, уларни кунига пландаги 600 грамм ўрнига 1036 грамм семиртиришга эришганлигини айтди. Бу йил у 400 бош қорамолни бўрдоқига боқмоқда. Оператор уларни кунига 1050 граммдан семиртиришга аҳд қилган.

— Партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган совхозимиз коллективи йиллик планни 1 июлгача бажаришни режамоқда, — деди нотиқ. — Пил охиригача эса давлатга 2500 тонна гўшт топириб, планни икки ҳисса ошириб бажарилишига эришамиз.

Қурултойда Калинин районидаги Охунбобоев номли совхознинг директори **А. Бакиров,** Чиноз районидаги Жамбул номли совхознинг чўпони **П. Мусиров,** Ўрта Чирчиқ районидаги колхозлараро бўрдоқичилик базасининг директори **П. Узоқбоев,** Оржоникидзе районидаги Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасининг оператори **М. Турғунбоева,** Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхоз-саноат комплексининг директори **Ф. Аппазов,** Пискент район ижроия комитетининг раиси **М. Халиловлар** ҳам сўзга чиқдилар.

«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми коллективининг соғин сигирларни парвариш қилиш ва маҳсулдорлигини ошириш борасидаги илғор иш тажрибаси бошқа коллективларга ўрнак бўла олади. Ҳозир хўжаликдаги ҳар бир сигирдан 4900 килограммдан ошириб сут соғиб олинаётир. Суратда: комплекснинг умумий кўриниши.

А. Мальцев фотоси.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЕРГА МЕҲР

Хушхабарнинг қаноти бор, дейдилар. Гулнорани 116-Ниёзбоши сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлиги тўғрисидаги хабар тезда бутун колхоз қишлоғига ёйилди.

— Эшитдингизми, Гулнора депутат бўлармиш.

— Қайси Гулнора?

— Ўқитувчи Нормирза аканинг қизи-чи, ўша-да.

— Депутатликка муносиб номзод. Меҳнатсевар қиз, ўтган йилги пахта йиғим-теримидаги довруғи эсингиздами?

— Бўлмаса-чи, хирмонга салкам 10 тонна «оқ олтин» тўкибди-я!..

Гулнора Болтабоева тўғрисида ҳамқишлоқларининг тўлиб-тошиб сўзлашишлари, унинг номини фахр-ифтихор билан тилга олишлари бежиз эмас. У шу қишлоқда туғилди, ҳамқишлоқларининг кўз ўнгида ўсди, камол топди. Ўзининг меҳнатсеварлиги, камтар ва камсуқумлиги билан эл оғзига тушди, обрў-эътибор қозонди.

— Менинг ҳаёт йўлим, таржимаи ҳолим тенгқурларимнинг ҳаёт йўлидан деярли фарқ қилмайди,— дейди Гулнора.— Қишлоғимиздаги Низомий номли 16-ўрта мактабни тугатганимдан бўён колхозда ишлаяпман, кўплар қатори чигит экаман, ғўзага ишлов бераман, кузда эгат оралаб пахта тераман.

Инсон умри худди баланд пастликларга, сўқмоқларга ўхшаб кетади. Ҳар бир кишининг ҳаётида шундай бурилиш онлари бўладики, у бутун ҳаётининг мазмунини белгилаб беради. Гулнора учун ана шундай палла унинг мактаб ўқувчилари ишлаб чиқариш бригадасига қабул қилиниши бўлди. Тушгача мактабга қатнаб, дарслар тугади дегунча далага, пахтазор оғушига шошилган қиз қалбида она-ерга, ризқимиз манбаи бўлган саҳий заминга чексиз меҳр уйғонди. Шунинг учун ҳам Гулнора битириш имтиҳонлари тугаб, қўлига етуклик аттестатини олган кувончли кунда дадасининг «Энди ким бўлмоқчисан, қизим?» деган саволига ҳеч иккиланмай:

— Колхозда ишлайман, пахта етиштираман!— деб жавоб берганди.

Гулнора ўн йил таълим-тарбия олган мактабнинг кекса ўқитувчиларидан бири Нормирза ака Болтабоев қизининг жавобидан, ўзининг, қолаверса, бутун педагогик коллективнинг ўқувчиларда меҳнатсеварлик туйғусини камол топтириш, деҳқончилик касбларига меҳр уйғотиш йўлидаги меҳнатининг илк самарасидан бошлаб кўкка етди.

— Жуда тўғри ўйлабсан, — қизим,— деди у хурсандлик билан.— Бахт—меҳнатда. Сен ерни ардоқласанг, ер сени ардоқлайди, элга танитади, обрў-эътиборингни оширади.

Ўша суҳбатдан буён уч йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо ана шу қисқа даврдаёқ Гулнора Болтабоеванинг ерга бўлган чексиз меҳри, пахтакорлик касбига садоқати яққол намоён бўлди.

Ленин номли колхознинг 20-бригадаси хўжаликда илғорлардан ҳисобланади. Бригада аъзолари «оқ олтин»дан ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, план ва социалистик мажбуриятларини ортиғи билан ўрнилаб келишяпти. Об-ҳаво пахтачилик учун ўта ноқулай келган ўтган йилги шароитда ҳам илғор бригада варшунослари «оқ олтин»дан катта хирмон кўтардилар. Ҳар гектар майдондан салкам 40 центнердан дур-жавоҳир йиғиб-териб олинди.

Коллективнинг бу ютуғида баҳорнинг серёғин кунларида кўплар қатори машаққат чеккан, ёзда ҳар бир туп ғўза атрофида парвона бўлиб, ниҳолларни меҳр билан ардоқлаган ва кузда хирмонга 10 тоннага яқин «оқ олтин» тўккан Гулнора Болтабоеванинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, шубҳасиз.

Меҳнат қилган элда азиз, дейдилар. Фидокорона меҳнат, ерга ва пахтакорлик касбига меҳр ҳуррам замон жавоҳир сандиғини очаётган қизга ҳам катта шон-шуҳрат келтирди. Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзолари ўз ҳамқишлоқлари, оддий колхозчи Гулнора Болтабоевага юксак ишонч билдириб, уни 116-Ниёзбоши сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Меҳнатсевар қиз Гулнора Болтабоева депутатликка муносиб номзод. У ўзига билдирилган ишончни меҳнатда ҳам, жамоат ишларида ҳам сўзсиз оқлайди.

М. ПЕЙСЕНОВ,
Янгийўл райони.

АГИТАЦИЯ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларга тайёргарлик кун сайин қизиб бормоқда.

Пойтахт области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, СССР Олий Совети иккинчи сессияси якунларидан илҳомланиб, юксак меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолликни намойиш этган ҳолда сайловларга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Меҳнаткашлар КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириб, В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга қатъий бел боғлаганлар.

Шу кунларда меҳнат коллективлари ва турар-жойларда оммавий-сиёсий ишлар авж олдирилган. Сайлов участкаларида юзлаб агитпунктлар ва сайловчилар клублари, агитация майдончалари, жамоатчилик асосида ишлайдиган юридик консультацияларнинг «справка столлари» ишлаб турипти. Агитаторлар, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар сайловолди тадбирларида актив иш олиб бормоқдалар. Сайловгача қолган кунларда партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтиришлари даркор.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг редакциялари билан биргаликда ташкил этган давра суҳбатининг қатнашчилари худди ана шу тўғрида атрофлича суҳбатлашдилар.

Давра суҳбатида Янгийўл шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. Э. ЭРГАШЕВ, Оҳангарон цемент комбинати партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, оммавий-сиёсий ишлар бўйича кенгаш раиси С. И. ГОРЮНОВА, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли электр асбоб-ускуналарини марказий ремонт қилиш цехи бошлиғининг ўринбосари, Чирчиқ шаҳридаги 29-Дзержинский сайлов участкаси сайловчилар клубининг мудири В. А. Канаев, Тошкент электротехника алоқа институти философия ва илмий коммунизм кафедрасининг доценти, Тошкент шаҳар Киров райониди 39-сайлов участкаси агитпунктининг мудири С. Х. МАЖИДОВ, Коммунистик районидаги А. С. Макаренко номли 34-мактаб ўқитувчиси, 14-Марказий сайлов участкаси агитпунктининг агитатори Е. М. КИМ, «Ангрен» разрези бош технологи, Ангрен шаҳар 2-сайлов участкаси агитпунктининг мудири В. Н. СКРИЛЬНИКОВ қатнашдилар.

Давра суҳбатини область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Г. И. АЙРАПЕТЯНЦ олиб борди.

●

М. Э. ЭРГАШЕВ:

— ШУ кунларда ишимизнинг асосий мазмуни агитаторнинг жозибали сўзи ҳар бир кишининг онгига, қалбига етиб боришига эришишдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида баён этилган қонда ва йўл-йўриқлар бизни ана шунга ундамоқда.

Шаҳримиздаги меҳнат коллективлари ва аҳоли яшайдиган жойларда 1200 агитатор оммавий-сиёсий иш олиб бориб, партия ва давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини кенг оммага тушунтириб бермоқда, сайловчиларни депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоллари билан таништирмоқда.

Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари озғаси сиёсий агитация кадрларига кундалик амалий ва методик ёрдам кўрсатмоқда. Кейинги вақтда агитколлектив раҳбарлари ва агитпункт мудирлари учун қатор семинарлар ўтказилди. Уларда совет сайлов системаси, совет гражданларининг СССР Конституциясида гарантиялланган ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида лекциялар ўқилди, агитация ишлари олиб бориш ҳамда агитпунктларни жиҳозлаш бўйича тавсиялар берилди. Таянч агитпунктлар ҳам ташкил қилинди. Масалан, ёг-мой комбинати ҳузуридаги таянч агитпунктда агитация ишлари тажрибаси, совет сайлов системасига оид адабиётлар ҳамда «Агитатор овози» деворий газетаси билан таниш мумкин. «Лаззат» кондитер бирлашмаси, ун-тегирмон, биохимия заводларида ҳам агитация ишлари дурустйўлга қўйилган.

Ҳозирги вақтда шаҳардаги 2500 ишчи-хизматчи доҳий туғилган кунгача шаҳсий беш йиллик планларини бажаришга аҳд қилган. Улар орасида агитаторларимиздан У. Маҳкамов, Н. Пак, Б. Мирхамитовалар ҳам борлиги бизни қувонтиради.

●

С. И. ГОРЮНОВА:

— ОҲАНГАРОН цемент комбинати партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида иш олиб бормоқда. Мазкур қарордаги йўл-йўриқлар сайловларга тайёргарлик мавсумида айниқса қўл келмоқда.

Корхона партия ташкилоти сайлов кампанияси бошиданоқ агитколлектив составини коммунистлар ҳисобига тўлдирди. Бизга бириктилган микрорайонда эндиликда 32 агитатор қизғин иш олиб бормоқда. Оммавий-сиёсий ишлар бўйича тузилган кенгаш агитпункт ишини ўз назорати остига олган. Бу ерда сайловчилар учун ҳамма шарт-шароит яратилган, энг муҳим темаларда суҳбат ва лекциялар уюштирилмоқда.

Партия ташкилоти идеологик ишни хўжалик ва социал-маданий фаолият билан чамбарчас қўшиб олиб боришга интилмоқда. Агитаторларимиз сайловчиларга мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати тўғрисида сўзлаб бермоқдалар. Айни вақтда янги марраларни эгаллашга даъват этиб, илғорлар тажрибасини пропаганда қилмоқдалар. Масалан, минерал вата ишлаб чиқарадиган цех коллективи доҳий туғилган кунгача тўрт ойлик планни бажаришга аҳд қилди. Шифер цехидаги А. Гродский бошлиқ бригада эса В. И. Ленин юбилейи нишонланадиган кунгача тежалган хом ашёдан 200 шартли плита шифер тайёрлаб беради. Эндиликда ана шу ташаббуслар агитаторлар томонидан кенг тарғиб этилмоқда.

Агитаторлар сайловчилар наказлари бажарилишининг бориши тўғрисида ахборот бериб турибдилар. Масалан, комбинатимиз ишчилари учун кейинги вақтда 240 ўринли болалар боғчаси ишга туширилди, битта турар-жой фойдаланишга топширилди.

●

В. А. КАНАЕВ:

— КИМЕГАРЛАР маданият саройига кираверишда «Сайловчилар клуби» деган ёзувни кўрасиз. Бу ерда 29-Дзержинский сайлов участкаси сайловчилари учун оммавий тадбирлар, суҳбат ва лекциялар, агитбригада ва ҳаваскорларнинг чиқишлари уюштирилмоқда. Бирлашма партия комитети клубни барча зарур адабиётлар, газета ва журналлар, кўргазмали қуроллар билан таъминлаган. Шаҳар партия комитети ахборот маркази эса сайловчилар клуби учун махсус стенд тайёрлади.

Ҳозир 96 агитатор сайловолди кампаниясида фаол қатнашмоқда. Коммунист ва комсомол агитаторлардан В. А. Кириклов, В. С. Солиҳов, Т. Ю. Макарова, Э. Ибрагимов ва бошқалар партия ва давлатимиз ички ва ташқи сиёсатини сайловчиларга тушунтириб бермоқдалар. Тематик кечалар ва ижтимоий-сиёсий ўқишлар ташкил қилинмоқда, партия ва совет ходимлари, корхона ва муассасалар раҳбарлари билан учрашувлар уюштирилмоқда.

Ёш сайловчиларнинг партия ва комсомол ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлари айниқса мароқли бўлмоқда.

Шундай қилиб, биз сайловчилар клубида ўтказилаётган тадбирларнинг ғоявий мазмуни ҳамда таъсирчанлигига эришиш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

●

С. Х. МАЖИДОВ:

— МАЪЛУМКИ, сайловларга тайёргарлик Советлар, улар ижрочи органлари, халқ депутатлари фаолиятининг катта кўрингидир. Ана шу даврда сайловчилар ўз наказлари қандай бажарилаётганлиги, ўз сайлов округларида амалга оширилган ишлар билан қизиқадилар.

Партия ташкилотимиз республика Олий Совети ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда ана шуларни алоҳида ҳисобга олди. Агитпункт иш плани ҳам ана шу асосда тузилди.

Агитколлектив составидаги институтимиз профессор-ўқитувчилари, юқори курсларнинг студентлари фаол иш олиб бормоқдалар. Ҳозирги вақтда ҳар бир агитатор учун 25—30 сайловчи тўғри келади.

Ташвиқотчиларимиз институтга бириктилган микрорайонда, ётоқхоналарда лекция ва суҳбатлар уюштирмоқдалар. Агитпунктда «Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда», «КПСС ва Совет давлатининг ленинча тинчликсевар йўли», «Советлар — давлат ҳокимиятининг янги типи» ва бошқа мавзуларда стендлар ва китоб кўргазмалари «справкалар столи» ташкил қилинди.

Сайлов участкамизда овоз берадиган кишиларнинг ярмидан кўпи ёшлар, институтимиз студентларидир. Ижтимоий фанлар кафедраларининг ўқитувчиларидан С. Я. Свирский, Я. Ш. Шарипов, М. Т. Абдурасулов, А. Мирхолиқов, В. С. Морозова ва бошқалар студентлар яшайдиган ётоқхоналарда бир туркум суҳбатлар уюштиришди. Совет сайлов системаси, сайловлар ҳақидаги янги Қонун кенг тушунтириб берилди.

КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми, республика Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми қарорлари, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияларининг ҳужжатлари ҳамма лекция ва суҳбатларимизга асос бўлди.

Шунингдек агитаторларимиз ўтказилаётган ҳар бир тадбирда конкрет мисоллардан, кўргазмали қуроллардан фойдаланмоқдалар.

●

Е. М. КИМ:

— МЕН салкам йигирма йилдан бери агитаторлик қиламан. Район марказидаги мўъжазгина уйда жойлашган агитпункт мен учун қадрдон жой бўлиб қолган. Сайловчиларнинг ҳаммасини ҳам яхши биламан. Уларнинг баъзилари билан бир синфда ўқиганман. Эндиликда сайловчиларнинг кўпларидан олий маълумотли, маданий кишилар, ҳар бир уйда телевизор бор, газета-журналлар келиб туради. Кишиларимиз ҳамма нарсадан яхши хабардор.

Шунинг учун ҳам агитатар сайловчилар билан лекция ёки суҳбат ўтказишга пухта тайёргарлик кўриши даркор. Айниқса, бундай тадбирларда маҳаллий факт ва рақамларга мурожаат қилиш лекция ёки суҳбатга жон бағишлайди.

Агитколлективимиз составидаги 52 агитатор ҳам шу йўсинда иш олиб бормоқда. Биз сайловчиларга В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти, СССР янги Конституцияси тўғрисида, халқ депутатлари, маҳаллий Советларнинг фаолияти ҳақида сўзлаб бераяпмиз. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1980 йилда баҳорги дала ишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан белгилаган қўшимча тадбирлари кейинги суҳбатларимизда алоҳида ўрин эгаллади.

Эндиликда сайлов кампаниясининг яна бир масъулиятли босқичи бошланди. Халқ депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг ана шу номзодларни сайловчилар билан кенг таништира бошлаймиз. Депутатликка номзодлар билан учрашувлар ўтказиш, бошқа хил оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиш учун бизда барча шарт-шароит мавжуд.

●

В. Н. СКРИЛЬНИКОВ:

— АНГРЕННИНГ таниқли кишилари билан учрашиш, халқаро мавзуларда лекция эшитиш, янги фильм ёки бадиий ҳаваскорлар концертини кўриш, — бу каби тадбирлар кимни ҳам жалб этмайди, дейсиз. Сайловолди ишларнинг хилма-хил шаклларидан фойдаланилсагина агитпункт ҳамиша тавжум бўлади.

Разрез партия комитети худди ана шундай йўл тутмоқда. Аввало, агитпункт учун кенг ва ёруғ хона ажратилди, у кўргазмали агитация материаллари билан чиройли безатилди, витрина ва стендлар тайёрланди, махсус адабиётлар келтирилди. Шаҳар партия комитети таклифи билан агитколлективимиз тажрибали пропагандистлар билан мустаҳкамланди. Агитаторлар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида бир неча семинар ўтказиб, озғаси сиёсий агитация юргизиш борасида тўпланган энг яхши тажрибалар алмашинилди.

Сайловолди ягона сиёсий кунларда ўтказиладиган тадбирларда кончилар фаол қатнашадилар. Бунда шаҳримиз корхоналари ва муассасаларининг раҳбар ходимлари билан, депутатлик группасининг аъзолари билан учрашувлар бўлади. Ана шундай учрашувлардан бирида ўтган сайловлардан буён рўй берган катта ўзгаришлар ҳақида, сайловчилар наказлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборотлар берилди. Жумладан, 400 дан ортиқ киши янги турар-жойларга кўчиб ўтилганлиги ёки шахсий уй-жой қуриш учун давлатдан ёрдам олганлиги, кончиларнинг унумли меҳнат қилиши, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қатор тадбирлар кўрилганлиги айтиб ўтилди.

Сайловчилар энг яхши агитаторларимиз — разрез ходимларидан А. Н. Кучерявенко, В. В. Коновалов, З. П. Бектемирова, нон заводи ишчиси З. М. Скрипкина, 10-мактаб ўқитувчиси А. Умурзоқова ва бошқаларни яхши танишади. Улар партия ва ҳукуматимиз қабул қилган қарорларини, жумладан, КПСС Марказий Комитети ,СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигида кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисидаги қарорини тушунтириб бермоқдалар.

Давра суҳбати ҳақидаги ҳисоботни область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими инструктори А. СУХОНОС тайёрлаган.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ХАЛҚҚА МУРОЖААТ

КОБУЛ, 31 январь. (ТАСС). Бу ерда АХДП марказий комитети Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармалнинг афғон халқига мурожаати эълон қилинди.

Халқ армия ва халқ демократик партиясининг бирлиги асосида биз талаба қозонишимизга шак-шубҳа йўқ, дейилади мурожаатда. Аммо ғалаба ўз-ўзидан келмаслиги ҳар биримизга равшан бўлмоғи керак. Ғалабага эришмоқчи бўлсак, Апрель революциясининг империализмга ва реакцияга қарши курашдаги шонли идеалларини қаттиқ қўриб ҳимоя қилиш, АДРга Покистон территориясидан юборилаётган разилларнинг қўпорувчилар шайкаларининг бедодлигига чек қўйиш учун бутун кучимизни бир жойга тўплашимиз зарур.

Мурожаатда АХДП марказий комитети билан мамлакат ҳукумати афғон ёшларини йўллар, кўприклар, довонларни, шунингдек озиқ-овқат ва энг зарур моллар ортилган автомашиналар ва карвонларни қўриқлаш учун кўнгилларнинг отрядларини тузишга чақирганлиги баён қилинган. Чет элларга сотилган шайкалар — империализм агентлари мана шу маҳсулотлар ва молларнинг шаҳар ҳамда қишлоқларга етказиб берилишига тўсқинлик қилмоқдалар.

Бу йил, дейилади сўнгра Бабрак Кармалнинг мурожаатида оби-ҳаво шароитларининг қулай келаётганлиги мамлакатда янги ҳосил етиштириш имконини беради. Ҳамма серҳосил ерларни ўз вақтида ҳайдаб, уруг ташлаш, экин экишга ярайдиган бир қарич ернинг ҳам бўш қолишига йўл қўймаслик энг муҳим вазифамиздир. Ҳукумат қўлида зарур миқдордаги бугдой ва чигитнинг сара уруғлиги, ўғит, қишлоқ хўжалиги техникаси бор. Зарурат туғилган тақдирда халқ ҳокимияти маъмурлари деҳқонларга молиявий ёрдам ҳам берадилар. Ҳукумат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва деҳқонларнинг фаровонлигини ошириш манфаатларини кўзлаб пахта ва қанд лавлагининг харид нархларини оширишга қарор қилди. Шу экинларни етиштирувчи деҳқонларга давлат имтиёзли нархларда ғалла сотади.

Мурожаатнинг пировардида АХДП марказий комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри яқин келажакда мамлакатда кенг халқ оммасининг манфаатларини кўзлаб қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилади, деб ишонч билдирди.

АФҒОНИСТОН Демократик Республикаси меҳнаткашлари Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилиш соҳасида республика янги ҳукумати кўраётган қатъий чора-тадбирларни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Суратда: Кобулликлар ҳукуматнинг янги матбуот органи «Апрель инқилоби ҳақиқати» газетасини ўқимоқдалар.

ТАСС махсус мухбири Г. Надеждин фотоси.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 31 январь. (ТАСС). «Пари-матч» журнали бугун Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди билан қилинган суҳбат текстини эълон қилди. Нега сиз кўпгина халқаро проблемалар юзасидан Совет Иттифоқининг позициясига яқин позицияда турибсиз, бунда сиз давлат манфаати мулоҳазалари билан иш тутаяпсизми, ёки Совет Иттифоқига шахсан хайрихоҳлигингиз учун шундай қилаяпсизми? — деган саволга жавобан Индира Ганди бундай деди: мен Ҳиндистонга меҳр қўйган арбобман. Совет Иттифоқи бизга ёрдам бериб келди. АҚШ бизнинг манфаатларимизни ҳисобга олмайдиган жаҳоншумул стратегиясини ўтказаётган бир пайтда Совет Иттифоқининг манфаатлари кўп жиҳатдан бизнинг манфаатларимизга мос келади. АҚШ Покистонни қуроллантирмоқда ва Хитой билан ўз муносабатларини тобора кўпроқ мустаҳкамламоқда. Хўш, башарти Хитой бизнинг чегараларимизда ҳатарли ишлар қила бошласа, нима бўлиши мумкин? Қўшма Штатларнинг президентлари Ҳиндистонга нисбатан ҳусуматлари борлигини ошкора айтганлар. Худди мана шу нарса бизни ташвишга солмоқда.

Совет Иттифоқи БМТда Африка — Осиё мамлакатлари группасини ҳамишақўллаб-қувватлаб келди. Шу сабабли баъзи бировлар бизни Совет Иттифоқига эргашиб бораяпти, деб даъво қилмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам айни руслар бизнинг нуқтаи-назаримизни эътиборга олмоқдалар, чунки бизнинг мустамлакачиликка қарши кураш тажрибамиз бор.

Ҳозир Тибетда турган хитойлар яна Непал ва Ҳиндистон чегараларида хавф солишларидан Ҳиндистон чўчимайдими? — деган саволга Бош министр бундай жавоб қайтарди:

Агар хитойлар қуроллароғ олсалар, улар шу қурол-яроғни ишга солиш пайтига тушишлари мумкин. Аммо ғап бу қурол кимга қарши ишлатилишида қолган. Бир вақтлар улар коммунистик мамлакатларга қарши қураш учун АҚШдан қурол олган бўлсалар ҳам, уни бизга қарши ишлатган эдилар. Агар улар Ҳиндистонда ҳарбий авантюра қилишга уринадиган бўлсалар, ўч олиш учун эмас, балки дунё аҳлининг диққат-эътиборини ўзларининг ички муаммоларидан чалғитиш учун шундай қилишлари мумкин, деб ўйлайман. Бироқ, улар бу авантюранинг муваффақиятли бўлиб чиқишга умид қила олмайдилар.

Илгари хитойлар бизнинг мамлакатимиздан территория даъво қилган эдилар, шундай даъво улар ўтмишда оккупация қилиб олган территориялардан бошқа районларга нисбатан ҳам қилинган эди. Бу ўринда биз жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари тўғрисида гапираётганимиз йўқ.

Мухбир Индира Гандидан: Американинг сиёсатига нисбатан алам туйғусида эмасмисиз? — деб сўради. У бундай деди: мен ҳеч кимга алам туйғуси билан қарамайман. Американинг сиёсати унчалик юришаётгани йўқ. Унинг сиёсати Вьетнамда маглубиятга учради. Қўшма Штатлар Бангладешдаги уруш вақтида Покистонни қўллаб-қувватлаб муваффақиятга эришмадилар. Бу нарса уларнинг ўзини ташвишга солиши керак.

Нечун Ҳиндистон Афғонистондаги воқеалар ва у ерга совет ҳарбий қисмлари юборилганлиги ҳусусида Ғарбдаги баъзи давлатлар қилаётганидек шовқин-сурон кўтармаяпти? — деган саволга жавоб қайтариб Индира Ганди бундай деди: Афғонистон — СССРнинг қўшниси. Агар қўшни ёрдам сўраса, бу — мутлақо бошқа проблема.

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 31 январь. (ТАСС). Пентагон вакилининг маълум қилишича, Американинг яна бир авианосеци «Коралси» бошқа тўртта ҳарбий кема, шу жумладан ракета отувчи крейсерлар «Хэлси» ва «Уилям Х. Стендли», ракета отувчи эсминец «Жон пол жонс», ракета отувчи фрегат «Шофильд» ҳамроҳлигида Ҳинд океанига кирган.

Агентлик таъкидлайдики, «Қўшма Штатлар ушбу регионда доимий ҳарбий ҳозир-нозирликни маълум бўлмаган вақтгача сақлаб туриш ниятидадир. Бу туриш авианосецлар зарб қувватини ўз ичига олади».

Вашингтон маъмуриятининг ҳозирги бошлиғи Ж. Картер бир группа журналистлар билан қилган суҳбатида ҳам шу гапни тасдиқлади. У: «биз албатта ўз ҳарбий имкониятларимизни ҳамда «Яқин Шарқ нефтини тўхтовсиз олиб туриш» ва «дунёнинг шу районидаги манфаатларимизни муҳофаза қилиш учун Форс кўрфази ва Яқин Шарқ районида, жанубий-шарқий Осиёда ҳарбий ҳозир-нозирлигимизни албатта зўрайтириб бораверамиз», деди.

Қўшма Штатлар Ҳинд океани районида кескинликни зўрайтиришни давом эттириб, Эрон революциясини очлик билан бўғишга уринмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, суверен давлатларга «катта таёқ» сиёсати — ҳар хил «жазо чоралари», «тақиқлаш» ва «чеклашлар» ёрдами билан таъсир кўрсатишга уринаётган Вашингтон амалда батамом ёлғизланиб қолди, чунки дунёда халқаро кескинликни фақат кучайтиришгагина олиб борадиган хатарли ва истиқболсиз йўлни қўллаб-қувватлашни ҳеч ким истамайди.

ТЕҲРОН, 30 январь. (ТАСС). Эрон пойтахтида Эрон халқининг муқаддас иши учун курашчилар ташкилотининг ташаббуси билан шу ташкилотнинг шоҳ жаллодлари қўлида ҳалок бўлган аъзолари хотирасига бағишлаб, кўп минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Улар миллий бирликни мустаҳкамлаш ҳамда Америка империализми ва реакцияга қарши кураш шиорлари остида ўтди. Намойишчилар: «Марказий Разведка Бошқармаси, САВАК ва реакция — Эрон халқининг асосий душманларидир! деб ҳитоб қилдилар.

ҚУРБОНЛАР ХОТИРАСИ

ТОКИО, 31 январь. (ТАСС мухбири). Мамлакатнинг энг катта китоб омбори — Япония парламенти ҳузуридаги миллий кутубхонада «Хиросима ва Нагасаки такрорланишига йўл қўймаймиз» деган шиор остида экспозиция кўрсатилди. Бу экспозиция Америка Япониянинг икки шаҳрига атом бомбардимони қурбонлари хотирасига бағишланган.

Кутубхонанинг Япония тинчлик комитети бўлими Японияда бошқа демократик ташкилотлар ёрдами билан ташкил қилинган экспозиция мамлакатда 80-йилларда ядро қуролини батамом тақиқлаш ҳамда атом бомбардимони қурбонларига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун тезроқ қабул қилинишини ёқлаб, мамлакатда авж олиб бораётган ҳаракатнинг таркибий қисми бўлиб қолди.

Виставкада Америка ҳарбийларининг ваҳшиёна жиноятининг дастлабки соатлари ва кунларида Хиросима ва Нагасаки кўчаларида олинган 50 дан кўп фотосуратлар намойиш қилинди. Томошабиллар кишини ҳаяжонга солувчи ҳужжатлар билан атом бомбаси оташида нобуд бўлган фарзандлари тўғрисида ота-оналар олиб борган кундалик ёзувлар тўплами билан танишишлари мумкин.

О. ГОГУНОВ.

ПИСКЕНТ РАЙОНИДА

САЙЛОВЛАРГА БАҒИШЛАБ

Район марказига жойлашган К. Раҳмонова мудирлик қилаётган китоб магазини ҳамиша харидорлар билан гавжум. Бу ерда айни кунларда бадиий сиёсий ва илмий адабиётлардан ташқари сайловларга оид қизиқарли китоб ва брошюралар ҳам сотувга чиқарилмоқда. СССР Конституцияси, депутатлар ҳуқуқлари ҳақидаги адабиётлар, партиямиз Марказий Комитетининг сўнгги Пленуми ҳужжатларини Ҳ. Эргашева, Р. Қўзибоева ва С. Эшбоева каби нишчан сотувчиларнинг ғайрати билан харидорлар китоб жавонидан жой олмоқда.

Магазин ўтган йилги давлат планини ортиғи билан бажарган эди. Ҳозир коллектив аъзолари харидорларга намунали савдо хизматн кўрсатиш, шу йўл билан 1980 йил ойлик ва квартал топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар.

И. СОЛИЕВ.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

Районда иттифоқдош республикалар Олий Советлари ва маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарлик қизғин тус олмоқда. Ташкил этилган 15 та сайловчилар клубининг агитатор ва пропагандистлари аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Сайловларга оид адабиётлар билан таъминланиб, кўнгилдагидек жиҳозланган 21 та агитпункт ҳамиша гавжум.

Ҳозиргача 405 агитатор ва 296 сиёсий ахборотчи жойларда бу муҳим сиёсий кампанияга бағишлаб 1800 марта суҳбат ва лекциялар ўтказишди. «Сайловчилар овози» деворий газетасида амалга оширилаётган тадбирлар батафсил ёритиб борилянти.

Б. АҲМЕДОВ.

Пискент районидаги Низомий номли мактабда сайловчилар агитпунктн жойлашган. Агитпункт мудири, мактаб партия ташкилотининг секретари М. Мамажонов (суратда ўртада) агитаторлар билан яқин ҳамкорликда сайловчилар ўртасида катта тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

О. Абдурахмонов фотоси.

НУРЛИ ТАҚДИР

Агар, Марғуба Ғуломовадан «Октябрь инқилоби сизга нима берди?» деб сўрасангиз, ҳеч иккиланмасдан «Нурли тақдир — бахт берди» дейди. Инсон дарлига шифо топишдек шарафли ишда тинимсиз изланишлар, ҳаётга қайтган беморнинг бир лаҳзалик миннатдорона жилмайиши, илм-фан соҳасида ўрганилган билим, ҳаётий тажрибани кўп сонли шогирдларга ўргатиш ва бу йўлдаги сабр-чидам ҳамда матонатда уни олга чорлади.

Ота-бобоси алифни калтак деб келган Марғуба Ғуломова Тошкентдаги илм ўчоқларидан бири — 7 йиллик 1-Май мактабини экстерн усули билан битказди. Ўрта Осиё давлат университети ҳузуридаги 2 йиллик хотин-қизлар курси эса бўлажак врач олиманинг келгуси ҳаёт йўлига дарча очди.

— Келажагимизни биз ўзимиз яратамиз,— деган эди курс битирувчиларининг ҳайрлашув кечасига келган Файзулла Хўжаев.— Бу кўпроқ, билимларни нечоғли қунт билан эгаллашингизга боғлиқ.

Дарҳақиқат, маданий революция Октябрь инқилоби ғалабаларини таъминлашнинг зарур шартларидан бири сифатида давлатимизнинг ғалдаги муҳим вазифаларидан бўлиб қолган эди. Эзгу ният Марғубани Тошкент Давлат медицина институтининг даволаш факультетига етаклади. Студентлик йиллари орқада қолди.

Даволовчи врач мутахассислигига эга бўлган қиздаги иштиёқни кўрган устози, медицина фанлари доктори профессор А. А. Аковбян унга ўқишни давом эттиришни маслаҳат берди. Амалда ҳам шундай бўлди. Марғуба тери касалликлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Бой билимини практик машғулотларда студентлар билан баҳам кўрди.

Изланишлар самарасиз бўлмади. Оддий ўзбек қизи Марғуба Ғуломова медицинанинг шу соҳаси юзасидан 1955 йилда ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Профессорлардан А. И. Картамишев, Н. И. Исмоилов ва бошқалар олима тадқиқотининг аҳамиятини зўр мамнуният билан қайд қилдилар.

Эндиликда Тошкент Давлат медицина институти тери ва таносил касалликлари кафедрасининг доценти М. Ғуломованинг ўзи устоз. Унинг шогирдларини серқуёш Ўзбекистон ва қўшни республикаларнинг турли бурчакларида учратиш мумкин.

— Касалликни туғдирувчи сабабларни аниқлаш — даволашнинг энг муҳим шартларидан биридир,— дейди биз билан суҳбатда олима— Хасталикнинг олдини олиш эса ҳар биримизнинг шахсий ҳамда ижтимоий бурчимиздир. Чунки, халқ соғлиги — юрт бойлигидир.

У сўзи билан иши бир врачлардан. Тошкент Давлат медицина институтининг тери ва таносил касалликлари клиникасида, Тошкент дермато-венерологлар жамияти аъзоси сифатида бошқа кўпгина касалхоналарда ҳам илмий-амалий аҳамиятга молик мавзуларда қизиқарли суҳбатлар ўтказади. Шунинг учун ҳам у беморлар орасида катта ҳурматга сазовор.

Партия ва ҳукуматимиз заҳматкаш педагог, изланувчан врач М. Ғуломованинг меҳнатларини муносиб тақдирлади. У «Улуғ Ватан уруши давридаги шавкатли меҳнати учун», «Улуғ Ватан уруши ғалабасининг 20 йиллиги» медаллари, «СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонлари билан мукофотланган.

Марғуба опа фақат олимагина эмас, меҳрибон она ҳамдир. У бир ўғил ва уч қизни тарбиялаб вояга етказди. Ота-она изидан борган Рауф ва унинг турмуш ўртоғи Галина медицина фанлари кандидатлари бўлса, Муҳаббат рус филологияси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боряпти. Кенжатой Озода эса студентка.

Шу боисдан моҳир шифокордан нурли тақдири, бахти ҳақида сўраб қолгудек бўлсангиз, унинг фахр билан «Октябрь шарофати» деб жавоб бериши табиийдир.

С. МАТЧОНОВ,
«Ўқитувчи» нашриётининг редактори.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ҲАР ТЎҒРИДА

«КУМУШ» ВА «ОЛТИН» ТЎЙЛАР

XX АСРДА эр-хотинлар ажралиш ҳуқуқидан тенг фойдаланаётганликлари «кумуш» ва «олтин» тўйларни анча қисқартириб юборди, деган фикр кенг тарқалган.

Аммо, Тунисда чиқадиган «Жен-Африк» ҳафталиги ёзишича, Қўшма Штатлар ва Ғарбий Европада ўтказилган тадқиқотлар оилавий ҳаётнинг давомийлиги ўтган асрдагига нисбатан ортиб, ҳозирда ўртача 43 йилдан 80 йилгача ташкил этаётганлигини тасдиқлайди.

Бизнинг асримизда эркаклар, айниқса, қизлар анча эртароқ оила қурмоқдалар.

Бўйдоқлар ва турмушга чиқмаган қизлар сони ҳам айни чоғда ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундайлар 19-асрда катта ёшдаги аҳолининг 7—8 процентини ташкил қилган бўлса, бизнинг асримизда 13 процентгача боради.

САВДО АВТОМАТЛАРИ

ТАРИХДА биринчи «автомат-сотувчи» 1615 йилда Англия қоновқхоналарида пайдо бўлган эди. Бу мисдан ишланган, тўғри тўрт бурчакли қути бўлиб, ичига тамаки тўлдирилган эди. Харидор қутидаги тешикчага танга ташлаб, мурузатни босгач, қути қопқоғи очилиб, бир неча чимдим тамаки пайдо бўларди. Харидор танга миқдорига қараб, қутичани кўтариб турган қоновқхона эгасининг назоратида қутичага қўл солиб, тамаки оларди.

Орадан уч юз йил ўтди. Уильям Роу исмлик американлик корчалон ҳар бири 15 центлик бир пачка сигарета сотадиган машина яратди. Тўғри, бу одатдаги сигарета нархидан 4 цент қимматроққа тушарди, шу боисдан Роу автомати дастлаб шуҳрат қозонолмади. Лекин вақт ўтиши билан бундай автоматлар АҚШда кенг тарқалди. 1977 йилда улар салкам 4,5 миллиард долларлик сигарета сотди.

Ҳозирда АҚШда 5 миллион «автомат-сотувчи» бўлиб, ҳар икки минутда улар 7500 пачка сигарета, 25 минг стакан ичимлик, 8 минг пиёла кофе ва 12 минг пакет конфет сотмоқда.

ТЕЗЛИКНИ ОШИРИШ ЖАЗОСИ

ЖИДДИЙ йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабабларидан бири машина тезлигини ортиқча ошириш эканлиги ҳаммага маълум, аммо...

Ўтган йил ўн ой давомида тезликни ошириш туфайли Париж айланма йўлида 27 киши ҳалок бўлди. Аварияларнинг олдини олиш мақсадида яқиндан бошлаб бутун магистрал бўйлаб такомиллашган радар аппарати ўрнатилди. Мослама соатига 80 километрдан ортиқ тезликда келаётган ҳамма машиналарни автоматик равишда суратга олади. Бунда автомат тезликни қайд қилибгина қолмай, қонда бузилган вақт, машина номерини ҳам ёзиб олади, уннинг эгасини эса фотосуратга туширади.

ШОВҚИНГА ҚАРШИ

ТУРЛИ-туман шовқинлар киши асабини бузиши, ошқозон ярасига сабаб бўлиши, қонда холестерин миқдорининг ошиши, хуллас, инсон умрини қисқартириши мумкин.

Бу нарса қадимдан маълум эди. Айтайлик, бундан икки минг йил муқаддам Қадимий Рим ҳукмдори Юлий Цезарь кечаси аравада юришни манъ қилган. Яна бир кулгили мисол. 400 йил бурун инглиз қироличаси Елизавета I эркакларга ўз хотинлари билан кеч соат ўндан кейин жанжаллашишларини манъ этган, «токи хотинлар йиғиси-сғиси қўшиларни безовта қилмасин» (Қонунда шундай деб ёзилганди).

САБР-ТОҚАТЛИ ЖАННА

Ворошиловград медицина институтига тўппа-тўғри цирк майдонидан одатдан ташқари бемор келтирилди. Туғма грижани олиб ташлаш операцияси унча мураккаб эмас эди. Аммо бу ерда шу қадар камдан-кам учрайдиган беморни биринчи марта қабул қилишаётган эди.

Гастролга келган ҳайвон ўргатувчи Вальтер Запашнийнинг Жанна лақабли учяшар йўлбарсига жарроҳларнинг аралашуви даркор бўлиб қолди.

Жанна ниҳоятда сабр-тоқатли бемор бўлиб чиқди. Тўғри, уни операцияга тайёрлаш вақтида медикларнинг ҳайвон ўргатувчини ёрдамчилари билан бирга ассистентликка таклиф қилишларига тўғри келди. Ҳозир йўлбарс ўзини яхши ҳис қилмоқда, операциядан кейинги даволаш курсини бажонидил қабул қилмоқда. Яқин орада тўрт оёқли артист яна майдонга чиқади.

А. КОВАЛЕНКО,
ТАСС мухбири.

«Пойафзал уйи» таклиф қилади

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Халқлар Дўстлиги проспектида яқинда «пойафзал уйи» харидорларга ўз эшикларини очди.

«Пойафзал уйи» — 35-ихтисослашган магазинда харидорлар учун барча қулайликлар яратилган. Умумий ҳажми 560 квадрат метр бўлган учта зал замонавий савдо ускуналари билан жиҳозланган. «Шуҳрат» мактаб-магазинини тугатиб чиққан ёш сотувчи-консультантлар харидорлар хизматида. Бу ерда йилига 1 миллион сўмлиқдан ортиқ пойафзал сотилади.

Афсуски, мана шундай улкан савдо корхонасида айрим камчиликлар магазин ходимлари ишини анча қийинлаштиряпти. Гап 153-қурилиш трестининг 39-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари йўл қўйган камчиликлар ҳақида кетяпти: ҳозир мол сақланаётган омборхоналарга бузилган иситиш тармоқларидан сув оқиб тушмоқда, вентиляция агрегатлари монтажи тугалланмаган, юк ташиш лифтлари ишламаяпти, ёрдамчи хоналарда умумий қурилиш ишлари сифатсиз бажарилган. Шунингдек, магазин атрофидаги майдоннинг ободонлаштирилмаганлиги харидорлар таъбини хира қилмоқда.

Магазиннинг биринчи харидорлари қаторида Р. Зияев, Г. Зайниддинов ва Л. Экономулар бошлиқ бригадаларнинг қурувчилари ҳам бор эди. «Пойафзал уйи»ларни яна бир марта қадам ранжида қилишга — ўз ишларини ниҳоясига етказишга таклиф этади.

А. ТОШКЕНБОЕВ.



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Усимликлар экспериментал биологияси институти олимлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш йўлида тинимсиз изланишлар олиб бормоқдалар. Суратларда: (юқоридан) ВАСХНИЛнинг мухбир-аъзоси, профессор Н. Назиров ва биология фанлари кандидати Н. Шерматовлар лабораторияда. Катта илмий ходим, биология фанлари кандидати С. Арслонова иш устида. Кичик илмий ходим А. Ваҳобов амалий иш пайтида.

Н. Муҳаммаджонов фотолари.

Спорт

ОЛИМПИАДА ОЛДИ МАШҚЛАРИ

СССР Олимпия терма командаси мусобақаларга тайёргарликни бошлаб юборди. Футболчиларимиз ўтган куни Италияга жўнаб кетишди. Улар бу ерда бир неча ўртоқлик учрашувларини ўтказишади. Командага К. Бесков бошчилик қилмоқда. Олимпияда-80 турнирига дарвозабонлар Дасаев ва Пильгуй, ҳимоячилар Родин, Чивадзе, Андрюшенко, Маховиков, Хидиятулин, Романцев, ярим ҳимоячилар Федоренко, Бессонов, Оганесян, Гаврилов, Шавло ва Черенков, ҳужумчилар Андреев, Петраков, Гесс ҳамда Сидоровлар тайёргарлик кўришмоқда.

УЧ ПЕШҚАДАМ

Тарту шаҳрида баскетбол бўйича мамлакат чемпионати биркичи лигасида қатнашаётган командалар навбатдаги учрашувларни ўтказдилар. Иккинчи финалда яъни 7—12 ўринлар учун куч синашаётган бу группанинг Тартудаги ўйинлари олдидан тошкентликлар уч очко билан пешқадамлик қилишаётган эди. Ҳамшаҳарларимиз аввалига Ленинакан баскетболчиларини 72:63 ҳисобида, сўнгра эса Тбилиси студентларини 63:51 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Лекин кейинги турларда майдон эгаларига 72:108 ва Ленинград командасига 46:57 ҳисобида ютказиб қўйдилар.

Майдон эгаллари якка пешқадам бўлиб олишлари мумкин эди. Лекин улар Тбилисининг давлат педагогика институти командасига кескин курашда 60:64 ҳисобида ютказиб қўйдилар ва натижада уч команда бир хил бештадан очко тўплади. Ереван шаҳрида 24 февралдан 28 февралгача давом этадиган иккинчи тур учрашувлари олдидан Тошкентнинг физкультура институти спорт клуби, Тбилисининг ДПИ ва Тартунинг УЕК командалари пешқадамлик қилишмоқда.

ШАШКАЧИЛАР БАҲСИ

Республика шахмат-шашка клубида рус шашкаси бўйича аёллар ўртасида республика чемпионати давом этмоқда. Беш турдан кейин чирчиқлик Оксана Мухортова тўрт очко билан пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган фарғоналик Зоя Сафина ҳисобида 3,5 та очко бор.

РАВШАН НЕГА ТЕСКАРИ ҚАРАДИ

ТНТ—38—00 машинаси Мевазор кўчасига бурилди-да, бироз юриб тўхтади. Чамаси 17—18 ёшлардаги қиз ҳайдовчи билан аланиаларни гаплашиб, машинага чиқди. Шу тобда яқин атрофда турган киши икки ёшнинг бу тасодифий учрашувдан нақадар мамнун бўлишганини очиқ чеҳраларию, кулиб турган кўзларидан сезиб олиши қийин эмас эди.

— Машина муборак бўлсин, Равшан ака,— эркаланди қиз майин табассум билан.— Шаҳарни бир томоша қилар эканмиз-да.

— Қаёқда, менки эмас, акамнки.

— Тўйимизгача ўзингиз ҳам оларсиз. Яхши ният ярим мол деганларидек...

Тўй дарагини эшитган йигитнинг авзойи бузилди, юраги алланечук бўлиб, титроқ босди, ранги докадек оқарди. У ўзини ҳар қанча босишга, иродасини қўлга олишга уринмасин уддасидан чиқаолмади, қизга сездириб қўйди.

Шаҳарни айланишга отланган машина негадир йўналишни ўзгартириб, Юнусобод массиви томони бурилди. Вақт пешиндан оғиб қолган. Изгирини шамол эсарди. «Жигули» тўғри, равон йўл қолиб, хилват — киши назаридан ҳоли жойга келганида тақа-тақ тўхтади.

— Муҳаббат, жиддий гаплашиб олишимиз керак,— деди ёнидаги қизга ўгирилар экан Равшан.— Яқинда институтни тугатган бўлсам, ҳали ишимнинг тайини йўқ. Сиз ҳам ёшсиз. Тўйни нима қиламиз. Ялло қилиб юрибмиз-ку.

— Ваъдаларингиз бошқача эди-ку,— эътироз билдирган бўлиб, кўзига ёш олди қиз. — Йўқ, гап битта, тўйни бу йилдан қолдирмаймиз.

Дабдурустдан айтилган сўз йигит юрагига ханжардек санчилди. Лекин сирни бой бермай, авраш-алдашга тушди. Қачонки бу усул ҳам кор қилмаганини сезгач, тўнини тескари қийди. «Катта тўй эмиш-а, кунглингни кўчаси. Ҳали жаназанг ўқилмаса эди», дилдан ўтказди Равшан ва газни босди.

Бу пайтга келиб кун оғиб, борлиқ узра қоронғулик чўка бошлаган эди. Зероки, ҳаракат ҳам сусайган, ҳалқа йўлга чиқиб олган «Жигули» тезликни ошириб, зумда «Ленин йўли» колхози территориясига яқинлашди. Қонсираган, олазарак кўзларни энди Муҳаббат кўра олмас эди, юраги саноқли дақиқалар ичида уришдан тўхташни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Ширин-ширин ҳаёллар уни маст қилиб қўйган, севгилиси билан оила қуриш, келажакда она бўлиш орзуси вужудини қамраб олган, шу туфайли Равшан акаси қаерга, нимага олиб кетаяпти, унинг учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Шунинг учун ҳам машина кескин бурилиб, кимсасиз колхоз йўлига қайилганига, Равшан акасининг қўлида алланарса илтирагани эътибор бермади...

Тошкент район ички ишлар бўлими ходимлари олдида жумбоқлар талайгина эди. Қотиллик ким томонидан, қачон содир бўлган, сабаби нима, мурданинг шахси ким, қаерда яшайди? Экспертлар эса жиноят 4—5 кун илгари содир бўлганини айтиш билан чегараланишди. Оператив группа бошлиғи, район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Турсунбой Маҳамаджонов, жиноят қидирув бўлими бошлиғи милиция капитани Қотилнинг изига тушишнинг ўзи бўлмади. Муҳаббат Низомиддинованинг ўнларча таниш-билишлари, ҳамкасаба-ю, дугоналари олдига бир-бир боришга, уларнинг мулоҳазаларини бир-бир тинглашга тўғри келди.

Дарвоқе, кўк шинелли кишиларни осойишталигимиз посбонлари дейишади. Лекин ана шу қийин, машақатли касб эгалари орасида айниқса жиноят қидирув бўлими ходимлари ажралиб туради. Улар на кечани, на кундузни билишади. Уларга ишдан сўнг хотиржам ҳордиқ чиқариш кўпам насиб қилавермайди. Шунинг учун ҳатто кекса, тажрибали орган ходимлари ҳам бундай кишиларни заҳматкашлар деб тан олишади.

— Муҳаббат Ғалаба районида пахтада бўлганини билгач,— дейди оператив группа бошлиғи Турсунбой ака, ўша йўқаликка борилди, қизнинг ёнига кимлар келгани, кимлар билан муомила қилганини, 70 га яқин «Жигули» ҳамда «Волга» машиналарини текшириб чиқдик. Бу ўринда айниқса Комилжон жонбозлик кўрсатди. Мазкур жиноий иш бўйича унинг ён дафтаридаги ёзувларга бир назар ташланг-а. Ўнларча оилалар, корхона-ю, ташкилотлар адреси қайд этилган. Уларнинг барчасига бориб келди, эринмай калаванинг учини ахтарди...

Собир Раҳимов район Нозимаханим кўчасидаги 55-уй. Эшикни 24—25 ёшлардаги йигит очди. Йўлакда бегона кишини кўрган уй эҳтиёт негадир ўзини йўқотиб қўйди. Бироздан сўнг иккиланганча меҳмонни ичкарига таклиф этди.

— Бахтиёрнинг иши бўйича келгандим,— эслайди ўша сонияни Комилжон Ғофуров кулиб.— Оғзимга шу нем келибди. Она-бола бирбирига маъноли қараб қолишди. Кейин Равшан «Бахтиёр яна нима иш қилиб қўйибди», деди-да кийинишга тушди.

Шоферга атайин жиноят содир бўлган жойдан юришга шама қилдим. Қачонки, «Ленин йўли» колхозининг 7-бригадасидан, қотиллик рўй берган жойдан ўтилаётганда Равшан шартта тескари қараб олди...

Биноларин,— капитаннинг шубҳаси тўғри бўлиб чиқди. Муҳаббатнинг қотили Равшан Мўминов жиноятига тўла иқрор бўлди. Низомиддиновлар оиласи бошига кулфат солиб, ёш қизнинг умрига зомин бўлган Мўминов энди қилмиши учун жавоб беради.

Я. САЛИМОВ,
Тошкент райони.

МИЛИЦИЯ ҲАЁТИДАН

ҚИШ ЎЗ СЕПИНИ ЕИГАНДА...

А. Тўраев фотоэтюди.

Редактор ўринбосари
С. МУСАЕВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2, 3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Мўътабар ПЎЛДОШЕВА.

Солистлар: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Султонмурод САМАНДАРОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Роза КАРИМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Тошкент давлат циркида

ЯНГИ ПРОГРАММА

(2 бўлимда)

«БУГУН ВА ҲАР КУНИ»

АРЕНАДА БИРИНЧИ МАРТА

ВАЛЕРИЙ КУЗЬМИН РАҲБАРЛИГИДА

ЎРГАТИЛГАН БУҒМА

ИЛОН БИЛАН ТИМСОҲЛАР

Доимо манежда масхарабоз ҳазиллари ва репризлари.

Таниқли масхарабоз, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Евгений МАЙХРОВСКИЙ ижросида интермедиялар.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00, 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, болалар муассасалари, колхозлар, совхозларнинг заявкалари бўйича билетлар кассирлар томонидан жойларга бориб сотилади.

44-35-84 телефон номери бўйича заявкалар қабул қилинади.

ЕРЕВАН ШАҲРИДА

15 ФЕВРАЛДА

1966 йилги Давлат 3 процентли ички ютуқли заёми бўйича

109-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ.

ЗАЕМ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР 40, 100, 500, 1000, 2.500 ва 5 МИНГ СУМ ҚИЛИБ БЕЛГИЛАНГАН.

Заём облигациялари 10 ва 20 сўмлик қилиб чиқарилади.

10 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ҳар бир 100 миллион сўмга умумий суммаси 512 минг 560 сўмлик 9 минг 400 га ютуқ ўйналади.

ЗАЕМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ҲАММА ОМОНАТ КАССАЛАРИДА СОТИЛАДИ ВА СОТИБ ОЛИНАДИ.

ДАВЛАТ 3 ПРОЦЕНТЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

«СРЕДАЗЭНЕРГОМОНТАЖ» трестининг АНГРЕН ШАҲРИДАГИ

3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қўйидаги мутахассисликлар бўйича 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ТУРБИНА ВА ҚОЗОНХОНА УСКУНАЛАРИ МОНТАЖИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ.

Курсларга Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтганлар ва 20 дан 40 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга 2 ойлик назарий ўқиш даврида 75 сўмдан стипендия берилади, практик машғулотлар даврида тўла иш ҳақи тўланади.

Монтаж ишларига командировка қилинган ишчиларга командировочний ўрнига 50—75 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: 702000, Ангрен шаҳри, Жданов кўчаси, 40-ўй.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — АБВГДейка. 10.35 — Қиргоқлар. Бадиий фильм, 4-серия. 11.45 — Отаоналар, Сизлар учун. 12.15 — Қўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.45 — Концерт. 13.45 — Спортлото. 14.00 — Бадиий ўқиш. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Илмий-оммабоп фильм. 16.35 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.35 — Мультфильмлар. 18.00 — Ҳамдўстлик. 18.45 — Қалбга яқин қўшиқлар. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Аср бошида. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — IV Халқаро конкурс қатнашчиларининг кўргазмали чиқишлари. 23.00 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Концерт. Курсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Қалбим ардоғи. 10.45 — Спорт программаси. 11.15 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 11.45 — Театр ва замон. 12.45 — Ўртоқ Арсений. Бадиий фильм. 14.10 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 16.20 — Мультфильм. 18.40 — Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон ўқувчилари терма командаларининг чиқиши. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Эстрада концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Жиноят. 2-фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Душанба кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/II да Травиата, 3/II да Этик нийган мушук (12.00), Дон Кихот (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да Қиёмат қарз, 3/II да Ганг дарёсининг қизи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/II да Тўйдан олдин томоша, 3/II да Чоллар ва кампирлар, 4/II да Она қизим.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да Отилмаган ўқ, 3/II да Тинмасин соз (12.00), 4/II да Биринчи бўса.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа, «Ўргатилган бўғма илон ва тимсоҳлар» аттракционининг гастроллари (13.00, 16.00, 19.30).

Ўрта Осиё зонасидаги узумзорлар ва боғлар ҳамда полиз экинлари машиналари бўйича «СРЕДАЗСЕЛЬХОЗМАШ» ТОШКЕНТ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА барча ихтисосдаги ишчилар (иш ҳақи — ишбай), ихтисосдчилар, нормаловчилар, барча категориядаги инженер-конструкторлар КЕРАК

ШИМОЛ ВА ЮНУСОБОД МАССИВЛАРИДА ЯШОВЧИЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Ишга ва уйга корхона транспортида борилади.

Бизнинг адрес: Гулистон қишлоқ совети, Михайловский поселкаси (107, 108, 109 «а»-автобуслар).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02760. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б.—1585.